Стратегик ва минтақаларо тадқиқотлар институти нутубхонаси

ҲУРРИЯТ

МУСТАҚИЛ ГАЗЕТА

8 - 14 март 2000 йил

10 (163) - сон

Чоршанба кунлари чиқади

1996 йил декабрдан чоп этила бошлаган

Айёмингиз муборак, азиз аёллар!

ТАНЛОВ

Танлов шиори: "Шу азиз Ватанни, азиз халқимизни, мусаффо осмонимиз ва она заминимизни ҳар қанча улуғласак, ҳар қанча куйласак — оз!"

"ОФАРИН"

Яна бир ҳафтадан кейин муҳташам "Халқлар дўстлиги" саройида "Офарин" — йилнинг энг яхши ижодкори республика танлови ғолибларини тантанали шарафлаш маросими бўлиб ўтади.

Ўзбекистон Ёзувчилар ва Бастакорлар уюшмалари, "Ўзбекнаво" гастрол-концерт бирлашмаси, Ўзбекистон Оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармаси, "Тасвирий ойина" ижодий уюшмаси ва яна бир қатор жамоатчилик ташкилотлари томонидан ўтказилаётган ва Президентимиз Ислом Каримов томонидан қўллаб-қувватланган мазкур танлов мамлакатимиз маданий ҳаётида муҳим воқеа бўлиши шубҳасиздир. Нуфузли ҳакамлар ҳайъати адабиёт ва санъат, матбуот, телерадиожурналистика каби йўналишларда ижод қилаётган мамлакатимиз зиёлиларининг энг сара асарларини талабчанлик билан кўриб чиқиб, ғолибликка номзодларни аниқладилар.

Айни кунларда танлов ғолибларини тантанали равишда шарафлаш маросимига катта ҳозирлик кўрилмоқда. Бу ишга кўплаб ташкилотлар, ҳомийлар, саҳна усталари, рассомлар, дизайнчи-безакчилар жалб этилган.

"Фонон" илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси мутахассислари танлов ғолибларига топшириладиган совринларни ҳомийлик асосида тайёрлаб бердилар. Кўнгилда ғурур ва ифтихор туйғуларини уйғотадиган бу совринларни кўриш, томоша қилишнинг ўзи бир олам қувонч.

"Офарин" танлови элимизни, юртимизни, истиқлол ғояларини тараннум этувчи анъанавий ижодий беллашув бўлиб қолади.

ТАНЛОВ МАТБУОТ МАРКАЗИ

ТАНЛОВ ҒОЛИБЛИГИГА НОМЗОДЛАР

(Матбуот соҳасида)

Ижтимоий-сиёсий мавзудаги энг яхши мақолалар муаллифи ғолиблигига номзодлар:

Турсунали АКБАРОВ – ***"Ҳуррият" газетаси махсус мухбири.***

"Ҳуррият" газетасида эълон қилинган ҳуқуқий мавзудаги туркум мақолалари учун

Ирина ГРЕБЕНЮК— "БВВ" газетаси бўлим мудири.

"БВВ"да эълон қилинган ижтимоий-тарихий мавзудаги мақолалари учун

Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ — ***"Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетаси бош муҳаррири.***

Матбуотда эълон қилинган долзарб ижтимоий-сиёсий мавзудаги публицистик туркум мақолалари учун

Кўчқор НОРҚОБИЛ — ***"Ўзбекистон овози" газетаси бўлим мудири.***

Матбуотда эълон қилинган ижтимоий мавзудаги туркум мақолалари учун

Маданий-маърифий мавзудаги энг яхши мақолалар муаллифи ғолиблигига номзодлар:

Зуҳриддин ИСОМИДДИНОВ — ***журналист.***

Матбуотда эълон қилинган қатор маданий-маърифий мавзудаги мақолалари учун

Наим КАРИМОВ — ***журналист-олим.***

Турли матбуот саҳифаларида эълон қилинган маърифий мавзудаги қатор публицистик мақолалари учун

Турсуной СОДИҚОВА — ***Республика маънавият ва маърифат маркази бўлим мудири.***

Матбуотда эълон қилинган маънавий-маърифий, ахлоқий мавзудаги туркум чиқишлари учун

Муртазо ҚАРШИБОЕВ — ***журналист.***

Матбуотда эълон қилинган маданий-маърифий, ахлоқий мавзудаги мақолалари учун

Энг яхши фотомухбир мукофотига номзодлар:

Равиль АЛБЕКОВ — ***фахрий фотожурналист.***

Газета-журнал саҳифаларида болалар ва ёшлар ҳақидаги туркум суратлари учун

Абдуғани ЖУМАЕВ — ***"Ёшлик" журнали фотомухбири.***

Газета-журналларда эълон қилинган маънавий-маърифий ва тарихий суратлари учун

Нўъмон МУҲАММАДЖОНОВ — ***"Халқ сўзи" газетаси фотомухбири.***

Газеталарда эълон қилинган ижтимоий мавзудаги суратлари учун

Абдувоҳид ТЎРАЕВ — ***ЎзА фотоахборот бўлими бошлиғи.***

Газета-журналларда эълон қилинган истиқлол мавзуидаги суратлари учун

ЎЗБЕКИСТОНИМ

(Қасида)

Ишониб яшайман аҳли Туроним,
Гуллаган масканим ҳур гулистоним.
Алишмам ҳеч кимга бирор бўстоним,
Сен мени ўстирган жаннатистоним,
Ўзбекистон, Ўзбекистон, менинг маконим!

Тоабад қўлласин боболар руҳи,
Тикланди топталган миллат ҳуқуқи.
Беруний, ибн Сино, Яссавий бобо,
Туркистонда ўсган Тўмарис момо,
О, мени улғайтган мулку Туроним,
Ўзингсан ўзгинам, Ўзбекистоним!

Зижи Кўрагоний, Навоий бобо,
Бобур ва Қодирий сурган кўп ғоя.
Бағрингда ўсган эл булбулугўё.
Ўтганлар руҳлари қўлласин Иллоҳ.
Ўзинг Бўстонимсан менинг Туроним.
Якка-ягонасан, Ўзбекистоним!

Байроғинг ҳилпирар, эсади шамол,
Оламда бормикан, сендаги жамол?
Ўғлонларинг бунда топарлар камол.
Бир қарич тупроғинг қилмадим увол,
Ўзбекистон, Ўзбекистон, менинг жаҳоним!

Темур салтанати тикланган макон,
Тан олмоқда бугун курраи замон.
Ҳур озод элимда, мадҳиянг – нишон,
Ҳумо қанот қоқар мусаффо осмон,
Ўзбекистон, Ўзбекистон, бўлай посбонинг!

Мен сени ардоқлай, ардоқлай абад,
Фасллар алмашур, ҳукм – табиат.
Азиз тупроғингда, топдим тарбият,
Самарқанд, Бухоро, Хива - қадрият,
Ўзбекистон, Ўзбекистон, азал достоним!

Номоз ҚАРШИБОЙ
Қодир ўғли,
Арнасой тумани

ҒОЯЛАР КЎП

ТАКЛИФ

Ўрта мактабларда расм дарси бор. Табиий, бу дарсга қатнашаётган барча йигит-қизларнинг рассомликка лаёқати ёки қизиқиши бир хил бўлмайди. Ҳамма рассом бўлиши ҳам шарт эмас. Шундай экан, расм дарсларида фақат расм чизишга ўргатиш билан чегараланмай, ўқувчиларга тасвирий санъат фалсафаси, сирлари, моҳияти, тарихи билан алоқадор билим берилса дуруст эмасми?

Яна бир таклифим, Республикамизда иқтидорли ёшлар билан ишлаш маркази ташкил этилса, деган ниятим бор. Умуман, ғоялар, фикр-мулоҳазалар кўп, фақат уларни амалга ошириш чораларини айтадиган, кўрсатадиган механизм жадал ишга тушиб кетса нур устига нур бўлур эди.

Гулбаҳор ИБРОҲИМОВА,
Тошкент Давлат жаҳон тиллари университети толибаси

"Ҳуррият"да чиқадиган "ЙЎҒ-Э!", "ОВОЗА"ларнинг ўзи бир газета!

Тошмирза АҲМАДШОЕВ,
Фарғона вилояти,
Кўчқорчи қишлоғи

ЙЎҒ-Э!

ҲУРРИЯТ - TV

ГОЛЛАНДИЯДА ЎЗБЕК ЮЛДУЗИ

Бахтиёр ШОҲНАЗАРОВ

Таниқли хонанда Юлдуз Усмонова ижросидаги қўшиқлар бугунги кунда дунёнинг кўпгина мамлакатларида, жумладан Ғарбий Оврўпада ҳам севиб тинглонмоқда. "Ўзларининг қўшиқчиси"га айланиб қолган хонанданинг бир оёғи ўша ёқларда. Юлдуз Усмонова ўтган йиллар мобайнида Голландияда ўтказилган кўплаб фестиваллар, концертлар ва хайрия тадбирларида иштирок этди. Хусусан, ўтган йили қардош Туркияда юз берган кучли зилзила туфайли зарар кўрганларга моддий ёрдам кўрсатиш мақсадида ташкил қилинган ва 3 кун давом этган хайрия концертларида хонанда ўзининг бетакрор қўшиқлари билан қатнашди. Мазкур тадбир Голландиянинг энг йирик телеканаллари орқали намойиш этилди. Миллий "Радио-1" канали мухбирининг "Нега хайрия концертларида иштирок этаяпсиз?" деган саволига жавоб берган хонанда, жумладан, шундай деган эди: "Авваламбор, биз ўзбеклар турк халқи билан қардошмиз, тилимиз, динимиз бир. Қолаверса, бировнинг бошига кулфат тушганда ёрдам кўрсатиш инсонларга хос фазилатдир. Бу хислат, айниқса, ўзбек халқига хосдир. Бир-бирининг дардига малҳам бўлиш орқали ер юзидаги барча одамлар тинч-тотув яшашига замин яратилади".

Хайрия концертларидан йиғилган 30 миллион АҚШ доллари Туркияга ёрдам сифатида юборилди.

Ҳар йили август ойининг охирларида Голландияда маданий ҳаётнинг бошланиши муносабати билан Амстердамнинг майдон ва кўчаларида катта тадбирлар ташкил этилади. Хонанданинг чиқиши Ўзбекистон телевидениеси орқали бир неча бор намойиш этилганидан кўпчиликнинг хабари бор, албатта. Нидерландия Қироллигининг 1-телеканали бўлган "Ned-1" томонидан Юлдуз Усмонова билан уюштирилган суҳбатда мухбирнинг "Сизни Оврўпада, хусусан Голландияда кўплаб мусиқа шайдолари яқиндан танишади. Собиқ шўролар даврида мана шундай муваффақиятларга эришишингиз мумкин эдими?" деган саволига хонанда шундай жавоб берган: "Илгарилари буни амалга ошириш қийин эди. Биласизми, мен ўзбекман, ўзбекистонликман. Шу сабабли мустақилликдан аввал хорижий сафарларга бориш учун Москвадан рухсат олиш шарт бўлиб, бундай ҳолат кишининг нафсониятига оғир ботар эди. Айнан Ватаним мустақилликка эришганидан кейингина мен чет элларда концертлар бериш имконига эга бўлдим".

Яқинда Юлдузхоним Голландияда жаҳон эстрада юлдузлари иштирокида ўтказиладиган яна бир йирик хайрия концертида иштирок этиш таклифини олди. Шуниси эътиборлики, унда Осиё қитъасидан фақатгина бизнинг вакиламиз иштирок этади. Хонанда концертнинг видеоёзувини Ўзбекистон телевидениесига тақдим қилишни мўлжалламоқда. Насиб қилса, яқин кунларда халқимиз ўзбек санъатини дунёга кўз-кўз қилаётган севимли хонанданинг жаҳон эстрада юлдузлари билан биргаликдаги концертини томоша қилади.

— **Жаҳоннинг ривожланган мамлакатларидаги аҳолининг аксарияти ҳалигача Ўзбекистон деган мустақил давлат мавжудлигини билмасди**, - дейди қуюнб Юлдуз Усмонова, - **"Ўзбекистонданман" десангиз, "Покистонданми?" деб қайта сўрашади. Тушунтиришга тўғри келади. Кейин эса қўшиқларимни тинглаб, ўйинга тушиб кетишади, Ўзбекистонни, ўзбек санъатини танишади. Мақсадим, Ватаним номини дунёга танитишда ўз ҳиссамни қўшишдир.**

Инглиз тилида эркин гаплаша оладиган, Голландияда "Ўзбек Мадоннаси" номини олган ва кичкинагина жуссасида жуда катта юкни ташиётган хонанда мазкур ниятларини албатта тўла амалга оширишига ишонамиз.

4- бетга

БИР САВОЛ

Ўзбекистонда нима кўп?

МИСР - 8 МИНГ ЙИЛЛИК МАДАНИЯТ БЕШИГИ

АЗИЗ ВА МУҲТАРАМ ГАЗЕТХОНЛАР!

Уч йилдан бери Сизлар билан Ўзбекистон оммавий ахборот воситалари орқали узлуксиз кўришиб турганимдан беҳад мамнунман. Мана бу, 2000 йилда ҳам **"Миср — 8 минг йиллик маданият бешиги"** мусобақаси ўтказилиши боис яна Сизлар билан учрашиб турибман. Бу йилги мусобақа ҳам Мисрнинг Ўзбекистондаги элчихонаси, унинг Матбуот шўъбаси ҳамда Мисрда сайёҳликни ривожлантириш Бош бошқармаси, Миср информация вазирлигига қарашли Давлат Маълумотлар хизмати, Миср ташқи ишлар вазирлиги қошидаги МДҲ давлатлари билан техникавий ҳамкорлик жамғармаси томонидан уюштирилмоқда. Мусобақа материалларини ёритишда иштирок этаётган нуфузли маҳаллий газета-журналлар сони бу йил яна кўпаяётгани, улар ёнига телевидениенинг 1-канали орқали бериладиган "Ассалом, Ўзбекистон" дастури ҳамда Республика радиоси қўшилгани кишини янада хурсанд этади. Негаки, шу тариқа бу мусобақада жуда кўп ўзбекистонлик биродарларимиз иштирок этишларига имкон яратилади. Улар мусобақа боис Миср, унинг ўтмиш маданияти, сўнгги йилларда қўлга киритган ютуқлари, халқларимиз ва давлатларимиз ўртасидаги алоқалар ривожи, икки юрт ўртасида сайёҳликни тараққий эттиришга оид кўплаб қизиқарли маълумотлардан хабардор бўладилар.

Сиз мусобақа материаллари орқали Мисрнинг қадимий осори-атиқалари, диққатга сазовор замонавий жойлари, сайёҳлар одатда қадам ранжида қиладиган денгиз бўйлари, табиий шифо масканлари, диний ва тарихий аҳамиятга молик гўшалари билан танишар экансиз, Сизда у ерларни ўз кўзингиз билан кўриш, Миср халқининг беминнат меҳмоннавозлигидан баҳраманд бўлиш иштиёқи янада ортишига ишончим комил.

Бу мусобақа ҳам элчихонамизнинг бошқа фаолиятлари каби Миср ва Ўзбекистон халқларини азалдан боғлаб турган маданий ришталар янада мустаҳкамланишига, икки қардош юрт ўртасида мавжуд алоқалар яна юқори поғоналарга кўтарилишига хизмат қилишига катта умид боғлаб қоламан.

Миср Араб Республикасининг Ўзбекистондаги фавқулодда ва Мухтор элчиси
Доктор Мамдуҳ ШАВҚИЙ

"ҲУРРИЯТ" ГАЗЕТАСИНИНГ МЎЪТАБАР ЎҚУВЧИЛАРИ!

Қатор Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларида **"Миср — 8 минг йиллик маданият бешиги"** мусобақаси ўтказилиши муносабати билан Сиз азизлар билан учрашиб турганимдан ниҳоятда бахтиёрман.

Миср Араб Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси Матбуот шўъбаси ташаббуси билан уюштирилаётган бу мусобақада биринчи ўринни олган 6 ғолиб Мисрга бепул саёҳат йўлланмаси билан тақдирланади. Уларга Тошкент-Қоҳира-Тошкент самолёт чипталарини Миср ташқи ишлар вазирлиги ҳузуридаги МДҲ мамлакатлари билан техникавий ҳамкорлик жамғармаси ажратади. Мазкур ғолибларнинг Мисрда туриши, мамлакат бўйлаб сайр-саёҳат қилиши сарф-харажатларини эса Мисрда сайёҳликни тараққий эттириш Бош бошқармаси ўз зиммасига олади. Бундан ташқари яна 15 нафар ғолибга электр ва радио жиҳозларидан иборат қимматбаҳо эсдалик совғалари ҳам топшириладики, уларни Миср информация вазирлигига қарашли Давлат Маълумотлар хизмати ажратган.

Мусобақа материалларига келсак, улар **қўлингиздаги мана шу газетада ҳар икки ҳафтада бир марта, ҳаммаси бўлиб беш маротаба берилади.** Мусобақанинг ҳар бир материали сўнгида 2 тадан савол, 5 чиқишда эса жами 10 савол "савол-жавоб варақаси" тарзида берилади. Бу варақада мусобақа қатнашчисига оид муҳим маълумотлар ҳам ўз аксини топади. Мусобақа қатнашчилари "савол-жавоб варақаси"ни қирқиб олиб, тўғри жавобларни белгилаган ҳолда, ўз жавоблари ўнта бўлгунча йиғиб юрадилар. Мусобақанинг сўнгги, бешинчи чиқишидан кейин эса уларни қуйидаги манзилгоҳга жўнатишлари керак бўлади.

700000, ТОШКЕНТ ШАҲРИ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-БИНО, 6-ҚАВАТ, 601-604-ХОНАЛАР, МИСР МАТБУОТ ШЎЪБАСИ (мусобақага)

Шундай қилиб, мусобақа материалларини ҳар икки ҳафтада бир марта, мана шу севимли газетангизнинг шу кунги сонидан қидиришни унутманг!

Сизларга омад кулиб боқишини тилаб,

РАЪФАТ АС-САБЪА
Миср элчихонасининг Матбуот шўъбаси ранси

ҚУТЛОВ ТЕЛЕГРОМ

Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ шоири Ибройим ЮСУПОВга

Ўзбек ва қорақалпоқ шеъриятининг улкан намояндаси, ҳар икки шеъриятнинг булбули деса арзигулик Сиз устоз мураббий инсонни муборак 70 ёшингиз билан ижодий жамоамиз ва муштарийларимиз номидан қутлаймиз! Адабиётларимиз бахтига омон бўлинг, созингиз ҳамиша баланд пардаларда жаранглаcин, ИБРОЙИМ оға!

"Ҳуррият" чилар

ХАБАР

СУДЬЯЛАР МАЛАКА ОШИРЯПТИ

Америка Қўшма Штатлари Халқаро тараққиёт дастури агентлиги "Глобал" лойиҳаси яқинда Миллий Матбуот марказида Ўзбекистон Судьялар ассоциацияси, Ўзбекистон Олий суди билан ҳамкорликда "Фуқаролик ишларида қонун устиворлиги ва суд иши юритиш" мавзуида семинар ўтказди.

Ўзбекистон ва АҚШ ҳукуматлари ўртасида мамлакатимизга техник ёрдам кўрсатиш тўғрисида имзоланган битимга асосан ўтказилган бу тадбирда Тошкент шаҳри ва пойтахт вилоятида фаолият юритаётган 70 га яқин судьялар иштирок этди. Семинарда юридик аҳамиятга эга бўлган фактларни аниқлаш, умумий мулкни бўлиш каби талай ишлар юзасидан суд амалиёти, бу борада жаҳон тажрибаларини қўллаш юзасидан фикрлар алмашинди.

Шуни таъкидлаш жоизки, 1994 йилдан буён АҚШ Халқаро тараққиёт дастури агентлиги "Глобал" лойиҳаси мамлакатимиз олий ва ўрта бўғин раҳбарларидан 4000 нафари ҳуқуқ, банк иши, солиқ, божхона, соғлиқни сақлаш, ижтимоий соҳа, энергетика сектори бўйича ўз малакаларини оширдилар.

"ҲАЗРАТИ АЁЛ" ТАҚДИМОТИ

Таниқли шоира Турсуной Содиқова шеърий тўпламлари билан бирга "Меҳр қолур" номли публицистик асари орқали ҳам кўпчиликка яхши таниш. Яқинда муаллиф "Ҳазрати аёл" номли янги асарини ёзиб тугатди. Тошкент шаҳри Шайхонтоҳур тумани ҳокимлиги ҳомийлигида нашр этилган ушбу китобда ўзбек аёлининг маънавий сиймоси ёрқин ҳаётий бўёқларда очиб берилган.

Китобнинг Миллий Матбуот марказида бўлиб ўтган тақдимот маросимида Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари Фарида Абдураҳимова, Шайхонтоҳур тумани ҳокими Миркамол Одилов, ёзувчи Эркин Аъзамов, олимлар Зиёвуддин Саъдуллаев, Сувон Мели, шоир Амиркул Карим асарнинг миллий маънавиятимиз ривожига қўшажак ҳиссаси, маънавий ва жисмоний баркамол авлодни тарбиялашда зиёлилар олдида турган вазифалар хусусида сўзладилар.

А.РАҲИМ ўғли

СУҲБАТ

ДЕМОКРАТИЯ МАҚСАДМИ ЁКИ ТУРМУШ ТАРЗИ?

Биз демократия, уни чуқурлаштириш ҳақида кўп гапирамиз, лекин унинг амалиёт билан боғлиқлиги, амалдаги мавжуд камчилик ва муаммолар тўғрисида кўпам бош қоти равермаймиз.

Ўзбекистон Оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармаси Бош директори, Олий Мажлис депутати Аббос Алимбоев билан суҳбатимиз ҳам жамиятни эркинлаштириш муаммолари ҳақида кечди.

- Аббос Аҳмедович, сиз сиёсий ҳаётнинг барча томонларини эркинлаштиришни қандай тасаввур этасиз?

- Жуда содда, яъни қонун устиворлигининг таъминланиши. Ҳар ким учун ҳамма жойда қонуний асосда эркин фаолият юритишга шарт-шароит, имконият яратилган бўлиши лозим.

Маълумки, бизнинг бош мақсадимиз – демократик тамойилларга асосланган, эркин фуқаролик жамияти қуришдир. Бу хайрли ва тўғри йўлда ҳукуматимиз амалга ошираётган ишлар, шахсан юртбошимизнинг саъй-ҳаракатлари таҳсинга лойиқ. Лекин жамиятни эркинлаштириш жараёни суст кечмоқда.

- Сабаб?

- Сабаби — бироз бепарво, салгина лоқайдмиз, ҳаракатимиз, фаоллигимиз бирмунча суст. Жамиятни демократлаштириш, инсон эркинлигини кафолатлаш Бош қомусимиз ва бошқа қонунларда белгилаб қўйилган. Афсуски, бу қонунларни билиш даражамиз ва уларнинг ижроси жуда паст. Очиғи, тан олиш керак, аҳолининг 70-80 фоизи амалдаги қонунлардан бехабар, қонунларнинг ижроси эса 40-50 фоизларни ташкил этади, холос. Қонунларни билмаслик - ўз ҳақ-ҳуқуқларини танимаслик, уни талаб қилмасликдир. Талаб бўлмагач, ижро ҳам ҳаминқадар бўлади.

Бизда ташаббускорлик етишмайди. Ҳалигача эркин, мустақил бирор ишга қўл уриб, ташаббус билан чиқишга чўчиймиз ёки қизиқмаймиз. Ҳалигача тепадан буйруқ ёки кўрсатма кутиб ўтираверамиз. Бизнинг ишлаш механизмимиз тепадан пастга қараб йўналган шаклда. Аслида-чи? Аслида эса асосан пастдан тепага йўналган бўлиши керак. Билмадим, қонунни билмаганлиги, ташаббускор бўлмаганлиги учун оддий фуқарони кечириш мумкиндир, аммо раҳбар шахсларни, амалдорларни кечириб бўлмайди. Демоқчиманки, улар ўз лавозимларига нолойиқдирлар.

-Республикамиздаги кўппартиявийлик ҳолати: унинг бугуни ва келажаги ҳақидаги фикрларингиз?..

- Сиёсий майдонда кўппартиявийлик керак, албатта. Партиялар ташкилий жиҳатдан мустаҳкам, аниқ тактика ва стратегияга эга бўлиб, ким ва нима учун ҳамда қай йўсинда курашиш тасаввурига, дастурига эга бўлмоғи лозим.

Мамлакатимиз сиёсий ҳаётидаги мавжуд сиёсий партияларнинг иш фаолиятини қониқарли, деб ҳисобламайман. Чунки, уларнинг овози, фаолияти ҳеч сезилмайди. Тўғри, сайлов кампанияси пайтида улар бироз жонлангандек бўлдилар. Энди бу жонланиш ҳечам сусаймаслиги, аксинча янада кучайиши керак.

Фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлатнинг муҳим белгиларидан бири, бу — жамиятнинг кўппартиявийлик асосида ривожланишидир. Жамиятда ошкораликни таъминловчи, қабул қилинадиган қарор ва фармонларни ўз вакиллик органлари — фракциялар орқали маълум ижтимоий гуруҳ, халқ манфаатига бўйсундирадиган сиёсий институтлардан бири ҳам партиядир.

Хўш, биздаги мавжуд партиялар юқорида айтилган вазифаларни тўлиқ адо этишаяптими? Афсуски, йўқ.

Партияларнинг Низом ва дастурлари бир-бириникига ўхшаш. Аслида эса, партиялар бир-биридан тубдан фарқ қилиб, ҳокимият учун курашишлари керак. Агар бир партия сайловда ғолиб чиқиб, ҳокимият тепасига келса, бошқа бир иккинчи партия доимо унга соғлом мухолифатда туриши керак. Шундагина сиёсий жараёнлар тадрижий равишда ривожланиб боради.

Зеро, Юртбошимиз айтганларидай, сиёсий партияларсиз ва жамоатчилик ҳаракатларисиз республикадаги вакиллик демократиясини тасаввур қилиб бўлмайди.

- Ноҳукумат секторнинг аҳволи, муаммолари ва истиқболлари ҳақида фикрингизни билишни истардик.

- Ноҳукумат секторларнинг аҳволи оғир, муаммолар кўп. Ноҳукумат секторларни ривожлантиришга қаратилган кўплаб қонун ва қарорлар қабул қилинди. Лекин улар тўлиқ ишламаяпти. Бунга порахўрлик, коррупция, бурч масъулиятини ҳис этмаслик каби салбий иллатлар тўсқинлик қилмоқда. Айрим давлат ташкилотлари ҳукумат томонидан қабул қилинган қонунларга зид равишда ўзларига маъқул тушадиган йўриқномалар чиқазиб олаётганлиги ҳам сир эмас. Бизларнинг барчаси ривожланишни, эркинликни бўғиб қўяяпти.

Ноҳукумат сектор вакилларининг ўз пулига, маблағига эгалик қила олмаслик ҳоллари тез-тез учраб туради. Дейлик, масалан, бирорта фермерга юқоридан кўрсатма беради: "Пулингни у ташкилотга, бу корхонага кўчирасан", деган оҳангда.

Ноҳукумат секторни ривожлантириш учун Юртбошимиз таъкидлаётгани ва талаб қилаётганидек, уларнинг эркин фаолият юритишларига тўсқинлик қилиш эмас, имконият яратиб бериш керак.

Очиғи, баъзан шундай ҳолатлар учраб турадики, ёрдам ёки маслаҳат сўраб келган ташкилотга тезда унинг мушкулини осон қилиш ўрнига, ҳар хил баҳона ва сабаблар топилаверади. Буларнинг замирида эса шахсий манфаат ётибди, холос. Шунингдек, бирортаси жамоат ташкилотининг аҳволи қандай, қачон ва қай мақсадда ташкил топган, кимлар, қайси тартибда ёрдам бераяпти, бу каби саволлар билан ҳеч ким қизиқмайди ҳам, ёрдам, маслаҳат бермайди ҳам. Фақат йўқ жойдан муаммо яратадиганлар кўпайиб кетаяпти. Менимча, ноҳукумат сектор соғлом бўлиши, ривожланиши учун уни ҳам ҳуқуқий, ҳам амалий жиҳатдан турли тўсиқ ва тазйиқлардан ҳимоя қилиш лозим.

- Маълумки, маҳалланинг жамиятда тутган ўрни, аҳамияти ошиб бормоқда. Унинг нуфузини янада ошириш учун нималар қилмоқ керак?

Маҳалланинг нуфузини янада ошириш учун уларга қўшимча имтиёз ва ваколатлар бериш зарур. Лекин бу ишонч ва ваколатларни беришга маҳаллалар, шунингдек, бошқа жамоат ташкилотлари тайёрми, улар зиммаларидаги қўшимча, янада масъулиятли вазифаларни бекаму кўст бажаришга қодирми, улар билдирилган ишончдан эсанкираб қолмайдиларми?.. Хуллас, буларнинг барчасини ҳисобга олиб иш тутган маъқул.

Бугунги давр, бугунги талаб, эртанги кун бошқача. Зеро, ҳурматли Президентимиз айтганларидек, бугунги ҳаётнинг ўзи жамоатчилик ташкилотларининг нафақат назорат қилиш вазифасини кучайтириш, балки уларнинг ваколат ва ҳуқуқларини янада кенгайтиришни талаб қилмоқда.

- Жамиятни эркинлаштиришда оммавий ахборот воситаларининг роли ҳақида тўхталиб ўтсангиз.

- Матбуот — катта куч. Бизнинг унга тўртинчи ҳокимият, дея таъриф берилмаган. ОАВ жамиятда ижтимоий фикрнинг шаклланишига, тафаккурнинг ўсишига, инсоннинг фаоллашувига, қонунлар ижросининг назоратига, маънавият ва маърифатнинг юксалишига ўз ҳиссасини қўшмоғи лозим. Менимча, бу вазифаларни амалга ошириш учун ОАВ да кўпроқ танқидий, таҳлилий, мунозарали мавзуларни кўтариш мақсадга мувофиқ. Ва айни пайтда бериладиган танқидий материаллардан фожеа ясамаслик керак. Аксинча, танқиддан тўғри хулоса чиқариб, муаммонинг ечими, ишнинг ривожи ҳақида бош қотириш лозим.

Агарда адашмасам, бугунги кунда мамлакатимизда 440 га яқин газета-журнал мавжуд. Бу бир томондан яхши, иккинчи томондан эса...

Ушбу нашрларнинг кўпчилигининг нусхаси жуда кам, бадиий жиҳатдан саёз, материаллари ўқишли эмас. Даврий нашрларнинг кўпайиши сифатга эмас, сонга хизмат қилаяпти, холос. Қоғоз тақчиллиги ва кадрлар муаммоси мавжуд бўлган бир пайтда уларнинг сонини қисқартиришни ҳам ўйлаб кўриш фурсати етмадимикин?.. Бундан ташқари, обуна, нашрларнинг ўз жойларига етказилиши каби муаммолар ҳам мавжуд. Бу муаммоларнинг тезда ўз ечимини топишига "Ўзбекистон ҳаво йўллари" Миллий авиакомпанияси, "Ўзавтотранс" корпорацияси ва албатта, Матбуот тарқатиш уюшмаси масъулдирлар.

Обуначиларга нашрларнинг ўз вақтида етиб боришини таъминлаш учун ҳамжиҳатликда ҳаракат қилиш лозим. Муаммони бартараф этиш учун юқоридан кўрсатма, буйруқ ёки фармойиш кутиб ўтириш шартмикин? Бу масалани ички қонун-қоида, кўрсатма билан тезда ҳал этса бўлади-ку! Агар авиакомпанияга ўхшаб газетанинг оғирлигига эмас, унинг сонига, нархига қараб ҳақ талаб қилинадиган бўлса, муаммо устига муаммо туғилаверади.

- Демократия мақсад эмас, балки турмуш тарзидир, деган фикрга муносабатингиз.

- Демократия мақсад ва яна мақсад... Демократия ҳақида кўпгина таърифлар мавжуд. Уни ҳар ким ўзича талқин этади. Мен шарқона демократиянинг тарафдориман. Бу борада ғарбликларга ўрнак, ибрат бўладиган жиҳатлар кўп. Биз мавжуд қонунларни ўрганиб, демократик тамойилларни шундай йўлга қўяйликки, натижада Ғарб бизнинг демократиямизни тан олишга мажбур бўлсин. Шу ўринда мен Ғарб демократиясидан ҳеч нарсани ўрганмаслик керак, деган фикрдан йироқман.

Ўзингизга маълум, давлат қурилишининг монархия, тирания, авторитаризм, тоталитаризм ва демократия қаби йўналишлари бор ва булар ичида энг тўғри ва одилонаси — демократиядир. Биз уни тўғри тушунишимиз, тўғри қабул қилишимиз керак. Демократия анархия эмас — ҳар ким кўнглига келганини, нима ҳоҳласа шуни қиладиган. Демократия — сўз эркинлиги, қонун устиворлиги ва инсон ҳуқуқларининг қадрланиши кафолатидир.

Ҳурматли юртбошимиз ўз чиқишларида, мен ёшларга таянаман ва ишонаман, мамлакатимизнинг буюк келажагини улар яратади, деб қайта-қайта таъкидлайдилар.

Дарҳақиқат, шундай.

Шу ўринда мен ёшларимизнинг очиқ, дангал гапиришга ўрганишларини, ўз ҳуқуқларини ҳимоя эта билишларини, истиҳола, қўрқув ҳисси "вирус"ларини йўқотишларини истардим.

Биз шуни яхши англаймизки, олдиндаги мақсадларга эришиш учун қийин ва мураккаб йўлни, жараённи босиб ўтишимиз керак бўлади. Ишончим комилки, қийинчиликларга қарамасдан, албатта, кўзланган мақсадга эришамиз.

Алижон АБДУРАҲМОНОВ суҳбатлашди.

Айбла мени, ҳақоратла, розиман,
Тепсанг ҳам майлига, кучинг етади.
Фақат эҳтиётлаб пешонамни ёр,
Сен кутмаган савия ўлиб кетади...

БАЙРАМ БАҲОНА...

Биз ҳар йил баҳорни интиқлик билан кутамиз. Фақат баҳор яшариш фасли бўлгани учун эмас, бу интиқлик. Баҳор — байрамлар фасли ҳам ва бу байрамларнинг, шубҳасиз, энг аълоси аёлларимизнинг байрами — 8 март. Аёлни баҳорга ўхшатганимиз туфайлидирки, айни шу фаслни оналар, опасингилларимиз шарафига берилган айём билан бошлаймиз.

Аёлларни илк баҳордаги бойчечакка менгзаймиз. Зеро, бойчечак тирилишнинг нишонаси бўлса, аёл ҳаётнинг сарчашмасидир.

Байрам баҳонасида барча аёлларимизни қутлуғ айёмлари билан табриклаймиз ва яна шуни ҳам айтамизки, бугун биз эркаклар сизнинг хизматингиздамиз.

Гапга озроқ ҳазил аралаштирсак, расмдаги тасвирни кўрган йигитларимиз, ранжиманг. Бу фақат бир кун, холос!

АЁЛ

"БОҒДОН" МАЛИКАСИ

Қиш кунлари эди. Дала совуқ. Изғирин баданни ёриб ўтгудек кучли. Қоронғи тушган. Уй ишларини битирган аёл болалари билан китоб мутолаа қилаётганида машина овози эшитилиб қолди. Нодиржон ташқарига отилди. Бир пасдан сўнг:

— Опа, сизга келибди, Оқтомдан, — деди чопганича.

Опа ўрнидан секин турди ва эшикка чиқди. Енгил машина, таниш киши. 16-мактабдаги Холбуви муаллиманинг турмуш ўртоғи.

— Келинг, Неъмат ака, тинчликми?

— Биласизми, — деди у салом-аликдан сўнг, — Холбуви кун бўйи ётди-турди, бадандаги оғриқ безовта қиляпти.

Опа воқеани суриштирди. Неъмат ака эса оғриқ қай ҳолда бўлаётганини у-бу тарзда тушунтиришга ҳаракат қилди.

— Майли, бориб келаман.

Нодиржон ҳам буни маъқуллади. Қора рангли "Жигули" бир зум ўтмай Оқтом қишлоғи томон визиллаб кетди.

Холбуви анча толиққан, қийналган. Аёллар шифокори Малика касалликни аниқлагач, дардмандга зарур дори-дармонлар буюрди, яна нималар қилишни унинг турмуш ўртоғига тайинлади.

— Оғриқ босилади, кўп ўйламанг. Эртага яна келаман, — деб муаллима кўнглини кўтарди. Врач йўлга тушганида бемор анча таскин топган эди.

Машина "Боғдон" марказига етиб келганида Маликалар уйида чироқ ҳали ўчмаган эди. Катта ўғли ва катта қизи она истиқболига пешвоз чиқдилар.

— Худога шукр. Сал бўлса-да дардманд аёлнинг корига ярадим...

Эртасига шифокор яна ўша хонадонга етиб борди. Беморнинг аҳволи енгиллашган. Бироқ уни вилоят шифохонасига жўнатиш зарур эди... Холбуви орадан кўп ўтмай, касалхонадан чиқди, у тўлиқ тузалиб чиққан эди...

Мақоламиз қаҳрамони Малика Жумабекова Самарқанд тиббиёт олийгоҳини тугатгач, туман марказида ишлайди, бироқ турмуш ўртоғини "Боғдон"га ишга ўтказишгач, Малика ҳам хўжалик ҳудудидаги даволаш масканида ишлай бошлади. Бу ерда ишлашнинг ўзига яраша машаққати бор: қишлоқлар, отарлар бир-биридан анча олис жойлашган.

Кунларнинг бирида Нурак қишлоғига чақириқ бўлиб қолди. Шифокор бир амаллаб, беморникига етиб борди. Бемор аёл кўп қон йўқотган, боласи қорнида жон бериб бўлган эди. Малика ўзининг билим ва тажрибасини ишга солиб, аёлнинг ҳаётини сақлаб қололди.

Малика Жумабекова кўплаб аёлларнинг оғирини енгил қилган, дардига дармон бўлган инсон. Уни "Боғдон" ширкатлар хўжалигининг кўп минг сонли аҳолиси ҳурмат қилишади, тўй-маъракаларда яхши ном билан тилга олишади.

1993 йилда унга "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган соғлиқни сақлаш ходими" деган унвон берилди. Бу халқни эъзозлаган аёлга халқнинг эъзози, баҳоси эди.

Барно ИКРОМОВА,
Мурод ИКРОМОВ
Фориш туманн

ЎН САВОЛГА — ЖАВОБ

1. Қайси журналистни ўзингизга ибрат ва устоз деб биласиз?
2. Қандай мавзуларда ижод қиласиз?
3. Ўзбек журналистларининг эътиборидан четда қолаётган мавзу борми?
4. ОАВдан қайси бирини мунтазам кузатиб борасиз?
5. Қайси хотин-қиз журналистнинг ижодини эътиборга сазовор деб биласиз?
6. Ижодкор раҳбар бўла оладими?
7. Севган адибингиз...
8. Севган хонандангиз...
9. Сизнингча, аёлларга зарур бўлган уч хислат нима?
10. Қайси чет тилини биласиз ва қайси чет давлатларда бўлгансиз?

Ўзбекистон радиоси "Ёшлар" канали директори Султонпошша ЁҚУБОВА:

1. Абдужалил Зокировни. Табиатан камтарин, очиққўнгил, истеъдодли бўлган бу ижодкорни радиода ҳамма устоз деб билса керак.

2. Тарихий, маърифий.

3. Энг оғриқли жойи шуки, фақат ёзиш кераклиги айтилгандагина ёзамиз.

4. Деярли ҳаммасини.

5. Баҳоли қудрат қалам тебратиб, диққатга сазовор мавзуларни ёритаётган ҳамма хотин-қиз ижодкорларимизни қадрлайман, ҳурмат қиламан.

6. Ҳа. Лекин ижодкор-раҳбарга, менимча, бошқа раҳбарларга нисбатан оғирроқ бўлади.

7. Ўлмас Умарбеков, Ги де Мопассан.

8. Дилдан айтилган ҳар қандай қўшиқни тинглайман.

9. Камлик қилмасмикин?!

10. Инглиз тилидан хабарим бор. Чет давлатда бўлиш эса ҳали олдинда...

ҲАМ ТАВАЛЛУД, ҲАМ БАЙРАМ

Ҳар куни эрталабдан ҳали иш бошламасдан турибоқ, республикамизда чоп этилган янги газеталар қўлингизга етади.

Оламда нима гап? Мамлакатимиз ижтимоий ҳаётида қандай воқеалар юз бермоқда? Ватандошларимиз руҳиятида, онгу шуурида, кўнглида қандай кечинмалар кечмоқда?

Бутун иш кунида фаолиятингиз ана шу ахборотларга боғлиқ. Акс ҳолда қаёққа қараб кетаётганингизни, нималар қилаётганингизни билмай қолганга ўхшайсиз. Шу маънода газеталар манзилга элтувчи маёққа ўхшайди. Ҳали сиёҳи қуримаган газеталар сизга етиб боргунга қадар уларга қанчадан-қанча заҳматкашнинг меҳнати сингган.

"Шарқ" нашриёт-матбаа концерни босмахонаси ишчиси Зайнаб опа Тожиева ана шундай фидойи инсонлардан биридир. 25 йиллик меҳнат фаолияти давомида Зайнаб опанинг қўли тегмаган газета йўқ, десак муболаға бўлмайди.

Зайнаб опа 8 март куни таваллуд топган. Бу йил опа 50 ёшга тўлади. Зайнаб опа бугунги кунга келиб ўзининг матбуотчилар билан ўтган умридан мамнун.

— Дарҳақиқат, дарахт бир жойда кўкаради, — дея табассум билан дил изҳорини билдиради опа. — Худога шукр, "Шарқ" нашриёт-матбаа концернида шунча йил меҳнат қилиб кам бўлмадим. Ҳамкасбларим меҳрига, ҳурматига сазовор бўлдим. Меҳнат фахрийси унвонини ҳам беришди. Яқинда эса ишхонамиз томонидан тўрт хонали янги уй ҳам беришди. Ана шундай эътибор учун энг аввало барча ҳамкасбларимдан, айниқса, "Шарқ" нашриёт-матбаа концерни раҳбари Ислом ака Шоғуломовдан жуда ҳам миннатдорман. Яна нима дейман? Матбуот учун қанча керак бўлса, яна шунча хизмат қилишга тайёрман...

Зайнаб опанинг самимий, чин юрақдан сўзлаган бу сўзларини эшитиб, ҳар қандай одамнинг кўнгли яйрайди. Сўзимиз сўнгида опани қутлуғ 50 ёши билан табриклаймиз. Шу муносабат билан у кишига чин дилдан шундай тилак тилаб қоламиз:

Кўп яшанг, Зайнаб опа!

Рустам МУСУРМОН

ЎЙ

ШУНЧАЛАР АЗИЗМИСАН, ҲИЖОБЛИ АЁЛ?..

Институтнинг учинчи курсида ўқир эдик. Кунларнинг бирида яқин дугонам тўсатдан дарсга келмади. Эртасига дарсдан чиқиб, уйига бориб, албатта, хабар оламан, дедим.

Бордиму... Дугонамнинг афт-ангорини кўриб қўрқиб кетдим. Ранги бир аҳволда. У нимадандир жуда қўрққандек кўринарди. Сабабини сўрагандим, йиғлагудек бўлиб сўзлай бошлади:

"Ўша куни дарсдан чиққанимиздан сўнг автобус кеч келди. Мен автобуснинг олд томонида турган эдим. Шу пайт нарироқда турган бир йигит менга қараб тиржайиб сурилиб келаётганига кўзим тушди. Унинг соқоллари бироз ўсган, устига эскироқ костюмшим, оёғига калиш кийиб олган эди. Бир пайт у ёнимга яқинлаша туриб: "Ҳа, синглим, сочларингни ёйиб олибсан, уялмайсанми шундай юргани? Сендақаларни анави ҳижобдаги аёллар кўришса, устингдан роса кулишади", — дея ҳижобга ўраниб олган ёш қизчаларни кўрсатиб шаъма қилди.

Бироздан сўнг эса бирдан овозини баландлатиб дўқ ҳам ура бошлади: "Ҳе, сендақаларнинг ҳаммасини... Ў, менга қара, ҳозир шу ерда сочларингни йиғиб оласан, ё ҳозир битталаб юлиб ташлайман..."

Мен нима дейишни ҳам, нима қилишни ҳам билмай, бутунлай эсанкираб қолгандим. У йигит бўлса бор овози билан бақириб сўкинар, унинг ваҳшиёна, телбаларча хатти-ҳаракатларини тушунтириб бўлмас, афтидан наша чекиб олгани аниқ сезилиб турарди. Бир пайт у менинг сочларимдан бураб торта бошлади. Мен қўрққанимдан қичқириб юборяёздим. Орқа ўриндиқда ўтирган бир киши энди менинг ёнимни ола бошлаган эди ҳамки, бояги йигит бирдан унга чанг солиб, юзларини юлиб ташлади. Ундан у ёғига нималар бўлганини, тўғриси, англай олмай қолдим. Фақат автобусга қандайдир икки йигит чиққанини ва: "Ҳой ака, оғзингизга қаранг, уялмайсизми шунча одамнинг ичида шунақа сўзларни тилга олгани?!" дея уни тинчлантиришга тушганларини кўриб, сал-пал ўзимга келгандай бўлдим. Аммо бояги йигит ҳадеганда тинчланмай, яна бақириб сўкина бошлади. Шундан сўнг ҳалиги икки йигит уни зўрлик билан судраб автобусдан олиб тушиб кетишди."

Дугонам мана шу воқеани айтиб берар экан, кўзидан дув-дув ёш қуйиларди. Мен эса нима дейишни билмай карахт бўлиб қолгандим. Унга ич-ичимдан раҳмим келди. Ҳеч нарсадан ҳеч нарса йўқ бир нашаванднинг "дидига ўтирмагани" учун калтак еб олса. Яна барчанинг кўзи олдида...

Ўша воқеадан сўнг дугонам анчагача касал бўлиб дарсларга ҳам келмади. Шифокорлар унга асабларига қаттиқ шикаст етганини, узоқ вақт давомида даволаниб юриш кераклигини айтишибди. Мана шу арзимас аҳмоқгарчиликни деб дугонам энди бир умр асабларини даволаб юришга маҳкум бўлиб қолди.

Ҳозирги кунда ҳам автобусларда ҳижобга ўраниб олиб, олдиорқасига қарамай, овозини баралла қўйиб, гурунглашиб кетаётган қизларни тез-тез учратиб тураман. Шунда ёдимга ҳалиги дугонам тушади. Баъзан эса аёлнинг дилида бўлиши лозим бўлган иффат, қадр-қиммат, ор-номусни ана шу ҳижоб асрай олармикин, деган ўй хаёлимни банд қилиб олади.

Наргиза АҲМЕДОВА

"Аёллар салтанати"

Газетамизнинг келгуси сонида Юсуф Розиқовнинг ана шу номли янги фильми ҳақидаги мақола билан танишасиз.

Тошкент вилоят Янгийўл туманидаги
"РОССИ СА" қўшма корхонаси жамоаси
азиз ва муҳтабар аёлларимизни
8 МАРТ — ХАЛҚАРО ХОТИН-ҚИЗЛАР КУНИ
муносабати билан самимий муборакбод этади!
Уларга бахт—саодат, тинч—тотувлик ҳамда дунёдаги барча эзгу ниятларни тилаб қолади!

Самарқанд шаҳар Темирйўл туманидаги
"Темирйўл" деҳқон бозори жамоаси
республикамизнинг барча аёлларини
8 март
халқаро хотин—қизлар куни билан муборакбод этади!

МАҒРИБУ
INTERNATIONAL LIFE
МАШРИҚ

ҚИСҚА ВА ҚИСҚА

ЮРТДОШЛАРИМИЗ МАККАДА

Мамлакатимиз мусулмонларининг ҳаж зиёратини адо этишларида ҳукумат томонидан шароит яратиб берилаётганига қарийб ўн йил бўлди. Саудия Арабистонидаги ватандошларимизнинг "Ал-Марва" муассасаси бунга ўз ҳиссаларини қўшяпти.

Ходимларининг кўпчилигини ўзбеклар ташкил этадиган ушбу муассаса ҳожиларнинг Маккаи мукаррама ва Мадинаи мунавварада яшашлари учун жой билан таъминлайди, уларга хизмат кўрсатади. Бу йил Ўзбекистондан борувчилар учун ажратилган меҳмонхоналар шинам, замонавий талабларга жавоб беради. Меҳмонхона Байтул ҳарамдан унчалик узоқ эмас, орадаги масофа атиги бир ярим чақирим.

Шу йилнинг 20 февралида Ўзбекистондан борувчи зиёратчиларга хизмат кўрсатиш учун Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари қўмитаси ва Ўзбекистон мусулмонлари диний идораси вакилларидан ташкил топган гуруҳ ҳамда "Ал-Марва" муассасаси ходимлари Саудия Арабистонининг Жидда шаҳрига етиб келишди. Шунингдек, мамлакатимизнин Жидда шаҳридаги консулхонаси ҳам зиёратчиларга хизмат кўрсатишдек савобли ишга бел боғлаган.

Бу йил ҳаж зиёрати учун 3 миллион киши Саудия Арабистонига ташриф буюради. Ўзбекистондан эса 4 мингга яқин зиёратчининг келиши кўзда тутилган.

2 март куни дастлабки гуруҳ юртдошларимиз муборак ҳаж зиёратини адо этиш учун Тошкентдан жўнаб кетишди. Энг сўнгги гуруҳ эса кеча, 7 март куни йўлга чиқди.

Умида КАРИМОВА,
Макка шаҳри

ГЎДАК УЧУН ҚЎРИҚЧИ

Кичик, лекин жуда фойдали ихтиро гўдакларнинг, мисол учун, туғруқхоналардан ўғирланишига тўсқинлик қилиши мумкин. Бу электр асбоб бундай тусдаги олам бўйича ягона ихтиро ҳисобланади.

Инфрақизил нурлар ва радиосигналда ишлайдиган "болалар қўриқчиси" "Элпаз" компанияси томонидан ишлаб чиқилган. Бу асбоб икки электрон билакузукдан иборат, улардан бири оддий фарқлаш қайдлари ўрнига гўдакнинг қўлчаси ёки оёқчасига тақилади, иккинчиси эса онасида бўлади. Билакузуклар бир-бирига мунтазам инфрақизил ва радиосигналлар юбориб туради, бу болакайнинг қаердалигини аниқ билиш имконини беради.

Исроил ахборот бюллетенидан олинди

"БУТОШ" КЕЛИШУВИГА ЭРИШДИ

Туркиянинг "Бутош" нефть ва газ қувурлари бўйича акционерлик компанияси "2001 йил 30 июлидан мамлакатга Эрон газини импорт қилиш бошланади", – дея эълон қилди. Бу компания хабарида айтилишича, Эрон газини Туркия импорт қилиши ҳақидаги келишувга Туркиянинг юқори даражали делегациясининг Теҳронга сафари пайтида эришилган. Хабарда яна келтирилади: "Бутош" компанияси раиси Гўгхон Ёрдим бошчилигидаги Туркия делегацияси ушбу сафар пайтида Туркиянинг ушбу лойиҳа якунланишининг кечиктириб юборилиши сабабини шарҳлади ва тушунтиришлар Эрон томонидан хайрихоҳлик билан қабул қилинди. Эрондан газ импорт қилиш 2001 йилнинг 30 июлигача кечиктириладиган бўлди".

Бу хабарда яна қўшимча қилинади: "Эришилган келишувга биноан қўшма ишчи гуруҳи келгуси икки ой давомида лойиҳа ишларини бажариш билан боғлиқ бўлган идоравий ва техник фаолиятларни ниҳоялаш учун ҳаракат қилади". Эрон ва Туркиянинг газ шартномаси 22 йилга мўлжаллангандир.

ЭИЖ хабарномасидан олинди

КЎРГАЗМА

28 февраль – 5 март кунлари пойтахтимиздаги "Дийдор" кўргазмалар залида Исроилнинг кеча ва бугунидан ҳикоя қиладиган суратлар намойиш этилди. Яффа, Тель-Авив, Герцлия, Нетания, Ашдод, Хайфа, Эйлат, Акко, Нахалаль, Дгания шаҳарлари, Иордан, Хулы водийлари ва Ўлик денгизнинг ўтган аср охири, ХХ аср бошларидаги кўринишлари билан биргаликда бугунги фусункор манзаралари ҳам ўз ифодасини топган.

Суратларнинг ўзига хослиги шундан иборатки, улар ҳарбий вертолёт ёрдамида олинган. Кўргазманинг дунёга келишида Сураткаш Дуби Таля, учувчи Мони Харамати ва матнлар муаллифи Амирам Гоненнинг меҳнатлари сингган.

Кўргазма Ўзбекистон ва Исроил халқларининг ўзаро маданий алоқаларини янада бойитишга муносиб ҳисса қўшди, десак хато қилмаймиз.

Ғ.КОМРОН

ТАРИХ ЙЎЛИДА

Тошкентда 1-3 март кунлари бўлиб ўтган "Ҳиндистон ва Марказий Осиё" мавзуидаги анжуман ўтган ҳафтанинг муҳим воқеаларидан бири бўлди. Унда мамлакатимиз олимлари билан биргаликда Санкт-Петербург, Москва, Ашгабад, Душанбе, Алматидан ҳам олимлар ташриф буюришди. Улар фаннинг турли соҳалари бўйича исломгача бўлган даврларда Ҳиндистон ва Марказий Осиё давлатларининг ўзаро таъсири ва унинг муштарак жиҳатлари хусусида фикр алмашдилар. Маданий таъсирларни ўша даврга хос тарихий ҳужжатлар, археологик изланишлар асосида далилладилар. Анжуманда мусиқа, адабиёт, фалсафий қарашлар борасидаги ўзига хосликларга ҳам алоҳида аҳамият берилди.

Анжуманни Ҳинд Маданий маркази Ўзбекистон Бадиий Академияси Санъатшунослик институти ва ЎзФА Археология институти билан ҳамкорликда ўтказди.

МУХБИРИМИЗ

ТАНЛОВ

МИСР – 8 МИНГ ЙИЛЛИК МАДАНИЯТ БЕШИГИ

МИСР АРАБ РЕСПУБЛИКАСИ: БУГУН

Миср Араб Республикаси Африканинг шимоли-шарқи ва қисман Осиёда жойлашган мамлакат. У шимоли-шарқда Фаластин миллий автономияси, жанубда Судан, ғарбда эса Ливия билан чегарадош. Мамлакат майдонининг шимолий қисми Ўрта Ер денгизи билан туташади. Бу денгизни Ҳинд океани билан боғлайдиган энг яқин сув йўли Мисрга қарашли бўлган узунлиги 173 км.ли Сувайш канали орқали ўтади.

МИСРНИНГ МАЙДОНИ 1,2 млн.кв.км бўлиб, унинг 96 фоизи бепоён чўл, қақроқ даштлардан иборат. Аҳоли асосан Нил дарёси водийсида яшайди. Нил дарёсининг Мисрдаги қисми узунлиги 1500 км, эни эса 500-900 метр атрофида бўлиб, йилига ундан 64,62 млрд. $м^3$ сув оқиб ўтади. Мамлакат экин майдонларининг ҳажми 3,1 млн. гектар атрофида. Миср об-ҳавоси қишлоқ хўжалиги экинларидан йилига икки марта ҳосил олиш имконини беради. Аммо маҳаллий ишлаб чиқариш мамлакат эҳтиёжининг 40 фоизини ҳам қоплай олмайди. Шу боис 1997 йилдан бошлаб қишлоқ хўжалик майдонларини кенгайтириш учун мамлакатнинг Янги Водий қисмининг жануби-ғарбида янги ерларни ўзлаштириш ишлари кенг кўламда бошлаб юборилган. Шунинг ҳисобига экин майдонлари яна чорак миқдорга кўпайиб, жами 3,9 млн. гектарга кўпайиши керак.

МАМЛАКАТ АҲОЛИСИ 65,6 млн. киши бўлиб, бу ҳисобга чет элларда ишлаётган 3,5 млн.дан ортиқ мисрлик мутахассислар ҳам киради. Аҳолининг аксарият қисми сунний мазҳабдаги мусулмонлардан иборат. Христиан динига мансуб, асосан коптлардан иборат аҳолининг сони 10 фоиздан ортмайди. Аҳолининг йиллик ўсиши 2,1 фоиз, яъни 1,3 млн. кишини ташкил этади.

МАМЛАКАТ ПОЙТАХТИ — Қоҳира шаҳри.

ДАВЛАТ ТУЗУМИ. Миср Араб Республикаси президент томонидан бошқариладиган республика. 1981 йил октябрдан бери бу лавозимга Муҳаммад Ҳусний Муборак қайта сайланиб келади. Мамлакатнинг асосий қонун чиқарувчи органи бир палатали Халқ мажлисидир. 1995 йил ўтказилган парламент сайловларида парламентдаги аксарият ўринларни мамлакатдаги ҳоким партия — Миср Миллий Демократик партияси вакиллари эгаллашга муваффақ бўлганлар. Халқ мажлиси раиси — Аҳмад Фатҳий Сурур. Миср Бош вазири — Отеф Убейд. Мамлакат Ташқи ишлар вазири эса Амр Мусадир.

СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАРга келсак, 1997 йилдан бери мамлакатда кўппартиявийлик қарор топган ва ҳозирда 14 сиёсий партия рўйхатдан ўтган. Улардан энг кўп сонлиси мамлакат президенти Ҳусний муборак раҳбарлик қилаётган Миллий Демократик ҳоким партиядир. Мамлакат парламенти — Халқ мажлисидаги 454 ўриндан 417 тасини мана шу ҳоким партия вакиллари эгаллаб турибдилар. Расман рўйхатдан ўтган мухолифатдаги партияларга келсак, улар: "Янги вафд", "Меҳнат социал партияси", "Социал-либерал партия", "Миллий тараққийпарвар (сўл) партия", "Носирийлар араб демократик партияси", "Ал-Умма", "Миср Ал-Фатаат", "Яшиллар партияси", "Халқ-демократик партияси", "Ижтимоий адолат партияси" ва бошқалар.



МИСР ИҚТИСОДИ Яқин Шарқ ва Африка қитъаси мамлакатлари иқтисоди ичида энг тараққий этгани ҳисобланади. Мамлакатда бозор иқтисоди механизмларини янада такомиллаштириш ҳамда ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга қаратилган қатор чора-тадбирлар узлуксиз амалга ошириб келинади. Мисрликлар ва чет эллик шериклар билан бирга турли шаклдаги қўшма корхоналар ва уюшма кооперациялар тузиш, энг замонавий техника ва технологияни ишлаб чиқаришга жорий этиш ишларига катта аҳамият берадилар. Нефт ва газ, қайта ишлаш, озиқ-овқат, тўқимачилик, металлургия, машинасозлик каби соҳалар мамлакатнинг етакчи саноат турлари ҳисобланади. Саноат ишлаб чиқаришининг 50 фоизи, саноат маҳсулотлари экспорт қилишнинг 90 фоизи давлат сектори томонидан амалга оширилади. Электр қуввати ишлаб чиқариш, нефт ва газ олиш билан ҳам фақат давлат корхоналари шуғулланади. Мисрда шу кунгача топилган нефт заҳиралари 981 млн. тоннани ташкил этади. Ҳар йили шундан 45,5 млн. тоннаси қазиб олинади. Мамлакатнинг газ заҳиралари 670 млрд. куб метр атрофида бўлиб, йиллик газ ишлаб чиқариш кўрсаткичи 121 млн. тоннадир. Айни чоғда мамлакатда ҳар йили 49,7 млрд. к.вт/соат миқдорида электр қуввати ишлаб чиқарилади. Бундан ташқари Мисрда ҳар йили 1,3 млн. тонна фосфат, 1,8 млн.тонна пўлат, 180 минг тонна алюминий, 27,4 млн. тонна нефт маҳсулотлари, 17,2 млн.тонна цемент, 275 минг тонна ипгазлама, 23,5 минг дона енгил автомобил, 12,2 минг дона юк машинаси, 289 мингта кир ювиш машинаси, 426 мингта музлатгич ишлаб чиқарилади.

ПУЛ-МОЛИЯ. 1991 йилдан бери Мисрда молия ва иқтисодни барқарорлаштириш дастури амалга оширилиб келинади. Натижада мамлакат пули — жунайҳнинг барқарор, ички конвертация-алмашуви таъминланган. Йиллик инфляция кўрсаткичи 8 – 8,5 фоиз атрофида. Давлат бюджетидаги камомад ялпи маҳаллий маҳсулотнинг 2 фоизидан камроқ. Мамлакатда 18,5 млрд. АҚШ доллари миқдорида валюта заҳираси ҳозирлашга эришилган. Чет элларда ишлаётган мисрликларнинг ўз юртлари хазинасига ўтказаётган пул-валюта жамғармалари, сайёҳлик, Сувайш каналидан тушадиган даромад, нефт ва нефт маҳсулотлари экспортидан тушадиган валюталар асосий валюта тушумлари ҳисобланади.

Мамлакатда нишонланадиган миллий ва расмий байрамлар: 12 апрель — Баҳор байрами, 23 июль — Миср революцияси куни, 6 октябрь —Мамлакат қуролли кучлари куни, 25 октябрь — Синай озод этилган кун, 23 декабрь — Ғалаба байрами ва бошқалар. Мамлакатда Рамазон ҳамда Қурбон ҳайитлари ҳам кенг кўламда нишонланади.

САВОЛ-ЖАВОБ ВАРАҚАСИ № 1

©"ҲУРРИЯТ"

____

мусобақа қатнашчисининг исми-шарифи, ёши, касб-кори, манзили, телефони.

1. Миср Араб Республикаси қаерда жойлашган?

а) Араб оламининг узоқ шарқида
б) Араб оламининг узоқ ғарбида
в) Араб оламининг шарқи ва ғарби оралиғида

2. Мисрнинг шимоли ва шарқидаги чегараси қаердан ўтади?

а) Араб денгизи ва Форс қўлтиғидан
б) Қизил денгиз ва Ўрта Ер денгизидан
в) Қора денгиз ва Каспий денгизидан

Эслатма: савол-жавоб варақасини қирқиб олиб, тўғри жавобларни белгилаган ҳолда (нотўғри жавоблар ўчирилади), йиғиб юришни, варақалар бешта бўлгач эса ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-бино, 601-604-хоналар, МИСР ЭЛЧИХОНАСИ МАТБУОТ ШЎЪБАСИга деб жўнатишни унутманг!

СЎЗУМНИ ЎҚУБ АНГЛАҒАЙСЕН ЎЗУМНИ...

Бори элга яхшилиғ қилғилки,
мундин яхши йўқ
Ким, дегайлар даҳр аро қолди
фалондин яхшилиғ.
* * *
Ўзунгни шод тутқил, ғам ема дунё учун зинҳор
Ки, бир дам ғам емакка арзимас дунёда фарсуда.
* * *
Эй, кўнгул, яхши ики дунёдин
Бир назар қилса санга дилдоринг.
* * *
Ғафлат уйқусидин уйғон, гар тилар бўлсанг мурод,
Ким етар мақсадга ҳар ким, бўлса у бедорроқ.
* * *
Сел эмасдур ер юзин тутқан, кўзумнинг ёшидур,
Раъд эмасдур кўкка чирмашқан, кўнгул афғонидур.
* * *
Келмади кўнглумга ишқининг сурури давлати,
То кўнгулни меҳнату ғамга сазовор этмадим.
* * *
Манга осондурур бўлса агар юз минг туман душман,
Вале бўлмоқ жаҳонда, эй кўнгул, бисёр мушкилдур.
* * *
Айшеки, ўтти, ўзга ани зикр айлама,
Ҳар нимаки, йитти, сўроқиға арзимас.
* * *
Ҳар нечаки муҳликдур, дардингни дема элга
Ким, йиғламоғинг, Бобур, бу элга дурур кулгу.
* * *
Ўзни, кўнгул, айш ила тутмоқ керак,
Бизни унутқонни унутмоқ керак.
* * *
Ҳар вақтки кўргасен менинг сўзумни,
Сўзумни ўқуб англағайсен ўзумни.

Заҳириддин Муҳаммад БОБУР

МУДДАО

СИПОҲУ ПИЁДА ВА... ТУЯ

Янгича шахматга эҳтиёж борми?

Жаҳоннинг 150 дан зиёд мамлакатлари миллий уюшмаларини бирлаштириб турган халқаро шахмат федерацияси – ФИДЕ ўз фаолиятини тобора такомиллаштириб бормоқда. Шахмат қиролларини аниқлаш ва уни янада кенгроқ оммалаштириш йўллари излаб топилаётган айни чоғда кўп замон синовларидан ўтиб, сайқал топаётган 64 хона, 32 донали классик шахматни "янгилаш"ни ўртага ташлаётган "кашфиёт"чилар пайдо бўлмоқда. Ҳа, охирги тўрт йил орасида ана шундай "реформатор"лар билан мулоқотда бўлишга тўғри келди. Кошки уларга осонликча тушунтириб бўлса...

Бири самарқандлик, яна бири сурхондарёлик икки укамиз бир вақтнинг ўзида тўрт ҳариф ўзаро жанг қиладиган шахмат "ихтиро" қилибди. Афсуски, улар бу ғояси асло янги эмаслигини билишмайди. Милод бошларида, балки ундан ҳам олдин Ҳиндистонда ҳарбий армия тузилмаларини эслатувчи фил, асб ва пиёдадан иборат шахматнинг дастлабки хили пайдо бўлиб оқлар, қоралар, қизиллар ва яшиллар ўзаро жангга киришганлар. Қандай юриш қилиш эса ўйиновчининг ўзига боғлиқ бўлмай, балки мавжуд шошқолнинг қандай тушишига қараб давом этган. Мот, пот деган тушунчалар бўлмай, ўйин доналарни қириб ташлашга асосланган. Бу маълумотларни фақатгина Абу Райҳон Беруний бисотидан топиш мумкин, табиийки, тасодифга асосланувчи бундай кураш тарихан узоқ бўлмади. Унинг ўрнини ҳозирги замон шахматининг бевосита салафи – шатраж ёки шатранж эгаллади. Ҳа, ҳалол ақлий баҳс икки томон ўртасида бўлади-да.

Аниғи эсимда йўқ, бир куни уйимга бир пакет олиб келиб беришди. Очдим. Бир қанча чизмаларда ҳозиргидан чоғроқ шахмат тахтаси, доналари, уларнинг юришлари ва ҳоказолар тушунтирилган. Қозоғистонлик уч нафар тарихчи олим "кашфиётчи"лар 6х6, яъни 36 хонали бу шахматни "Амир Темур шахмати" деб аташибди. Мен уларга жавобан, биринчидан, Амир Темур бобомиз кўпроқ 110 хонали шатранж – шахматда дона суришни ёқтиргани, кейинчалик асл Шатранжий Самарқандий номи билан машҳур рисола битгани, бу китоб ҳозирда Британия музейида сақланаётганлиги, машҳур тарихчи Омилийнинг бир китобида 36 хонали ва ҳатто цилиндрик шатранж ҳам келтирилганлигини етказиб қўйишни илтимос қилиб, камина охирги марта шахмат тарихи бўйича расман диссертация ёқлаган ягона олим эканлигимни таъкидлаб имзо чекдим. Шу бўлдию, энг юқори идораларни безовта қилган 36 хонали шахмат ҳақидаги гаплар тинчиди.

Ўтган йил охирларида шаҳрихонлик бир йигит менинг олдимга келди. Салом-аликдан сўнг "100 хонали шахмат" дейиши билан, рости гап, бунақалардан безиллаб қолган эмасманми, сочларим тикка бўлиб кетди. "Кашфиёт"чи 5-6 варақли асаридан бир нусхасини менга туҳфа қилар экан, жавобини кута бошлади. 10х10 ҳажмдаги 100 хонали тахтада одатдаги сипоҳу пиёдалар билан бирга иккитадан туя ҳам иштирок этаркан.

Юқорида айтганимиздек, 100,110,144... хонали шатранж ҳам бўлган, аммо охири ҳаммаси ўрнини 64 хонали шахматга бўшатиб беришга мажбур бўлган. Амир Темурнинг хаттот Ибн Арабшоҳнинг китобида ўша шахматнинг сурати, доналар жойлашуви келтирилган. Йўқ, мумтоз шатранжимиз – шахматимиз булоғидан баҳраманд бўлиб келаётганлар бошқа ҳар қандай "лаззат"ларга кўниколмайдилар.

- Ақлли кишиларда кўп характерлар намоён бўлади, - дейди Лев Толстой. – Бу баайни шахматдагидек: яхши шахматчи тахтада юзага келувчи турли-туман ҳолатларни кўра олса, ёмон шахматчига ҳаммасида ҳам доналар бир хил жойлашгандек туюлади. Ҳа, зар қадрига заргар етади.

"Кашфиётчи"ларимиз чинакам шахмат ошиғи бўлганларида, аминмизки, бундай "хамиртуруши паст" таклифлар билан ўртага чиқмасдилар. Аслида эса улар бўш хонага дона суриб турувчи оддий ҳаваскорлар, холос.

Мамажон МУҲИДДИНОВ,
Ўзбекистон шахмат федерациясининг вице-президенти, республикада хизмат кўрсатган мураббий, тарих фанлари номзоди

АЖАБО!

Айрим аёлларнинг жанжалкашликларига сабаб уларнинг шахмат ўйнамасликлари экан.

Иқтисод бу ҳар ким ҳам билур албат,
Ахир, тежам бўлса тинч бўлур бу жон.
Фақат... тежалмаса эди муҳаббат,
Ҳақиқат тежалмаса эди ҳеч қачон.

Р. ПАРФИ

Газетамиз жамоаси "Алп Жамол Банк" ва Халқ банкининг Тошкент шаҳар Мирobод туман бўлимларида хизмат қилаётган аёлларни бугунги байрамлари билан табриклайди.
Ишларингизда омад, шахсий ҳаётларингизда бахт ҳамиша ҳамроҳ бўлсин,
азиз опа-сингиллар!

"Ҳуррият"чилар

Муҳтарама аёллар! Онажонлар, опа–сингиллар, барчангизни муборак айём —

8 март

билан чин юракдан табриклаймиз!

Лабингиздан табассум, оилангиздан бахт, дастурхонингиздан барака аримасин, азиз аёллар!

Самарқанд шаҳар ва шаҳарлараро телефон ва телеграф станцияси жамоаси

Ўзингни англаб ет!
ҲУРРИЯТ
МУСТАҚИЛ ГАЗЕТА
8 - 14 март
10 (163)-сон

Муассис: Ўзбекистон Оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш жамғармаси

Бош муҳаррир **Хуршид ДЎСТМУҲАММАД**

Таҳрир ҳайъати: Азамат ЗИЁ, Абдуқаҳҳор ИБРОҲИМОВ, Амирқул КАРИМОВ, Абдуқаюм ЙЎЛДОШЕВ, Наим КАРИМОВ, Озод ШАРАФИДДИНОВ, Раҳмон ҚЎЧҚОР

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 165-рақам билан рўйхатга олинган. Бичими А-2.

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Телефонлар: 133-69-45, 136-53-63

Индекс:
Якка обуначилар учун — 233 Ташкилотлар учун — 234

«Шарқ» нашриёт- матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Зокиржон АЛИБЕКОВ	Топшириш вақти — 21.00 Топширилди — 20.00 Буюртма — Г - 225

Муаллиф фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин. Таҳририятга юборилган мактуб ва мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.

Hurriyat kompyuter markazida terildi va sahifalandi. Teruvchi: ANORA

ҲУРРИЯТ
МУСТАҚИЛ ГАЗЕТА
10 (163) - сон 8 - 14 март

БИР БОР ЭКАН,

(Давоми.Боши ўтган сонда)

Оллоёр БЕГАЛИЕВ

ИСДАН ОҒИР ХУРОФОТ

ёки тирилган мурданинг ўлими

Аммо, бу янги қабр ичида қандайдир бошқача ҳаракат юз бермоқда эди. Майит тошдек қотиш ва совиш ўрнига юмшай ва исий бошлади. Юрак уриши тезлашиб, тупроқ қатламидан чиқиб, коинотга етгудек эшитила бошлади. Ўпка эса салқин ва намхуш ҳавони майдек симирарди. У ҳозир уйқудан уйғонган боладек қўлларини кериб, маза қилиб керишади ва ташқарига чиқади. Аммо, совуқ суяк-суягидан ўтиб кетган, қўллари эса кўйлак ичида эди. Бу қанақа кўйлак эдики, қопга ўхшайди. Оёқлари ҳам негадир бошмолдоғидан бир-бирига чандиб ташланган, жағига эса рўмол ўралган эди.

Майит ташқаридан ҳовлидаги чироқ ёруғи тушиб турадиган дераза тарафга қаради. Ток ҳам йўққа ўхшайди. Ташқари зим-зиё.

Майит нималар юз берганлигини англай бошлади, англаган сари юраги, вужуд-вужудини қўрқув эгаллади. Унинг эгнидаги либос - кафан, ётган жойи - лаҳад, ўзи эса - мурда эканлигини англаб, тиловат қилишга тушди. Қизиқ, ўлим шунақа бўларкан-да, ҳа демай савол-сўроқ қилувчи фаришталар ҳам келиб қолса керак.

Аммо, фаришталарнинг ташрифи чўзилиб кетди. "Бунақада совуқдан ўлиб қолиш ҳеч гапмас", - деб ўйлади майит. - Яхшиси, кафанни йиртиб, сал-пал ҳаракат қилиб туриш керак".

Майит қўл учида кўклаб чиқилган кафандан қўлларини озод қилиб олди-да, бошмолдоқларидаги ипларни ечиб ташлади. Жағига боғланган рўмолни ечиб олиб, бошқатдан бошига яхшилаб ўради. Ўрнидан туриб, унга кенг-мўл лаҳад ковлаган гўрковларга ҳам жаннатдан жой ато бўлишини тилади. Лаҳад ичида бемалол тик турганча ҳаракат қилса бўларди.

Бироздан сўнг хўрозлар қичқириғига ўхшаш товушлар элас-элас қулоғига чалинди. Жаннатда ҳам тонг отяпти шекилли, деб ўйлади майит ва жаннат қайси томонда эканлигини тусмоллаш учун овоз келаётган томонни излаб, қабр деворларига қулоқ тутди.

У овоз жуда аниқ ва яхши эшитилаётган томонни топди ҳам. Бу овозлар хўрозларники бўлмай, йиғи - эркак ва аёлнинг йиғиси, янаям аниқроғи - ўғли ва хотинининг йўқлов йиғиси эди.

- Мен бу ёқдаман! Ҳой, мен сизларни ташлаб кетганим йўқ, ўзларинг мени бу лаҳадга ташлаб кетдиларинг.

Майит тепадагиларга бақириб эси кетди. Аммо, тепадагилар бу маломатларни, мурожаатларни эшитмай йўқловларида давом этишарди.

Тирилган мурда қабр айвонидан кирадиган тирқишга қаланган гувала-кесакларни ола бошлади. Оёқлари остига шовиллаб тупроқ қуюлди. У жон-жаҳди билан тупроқни ичкарига торта бошлади. Тош аралаш бу тупроқни кўрсичқондек ичкарига тортаркан, бир пайтнинг ўзида тепадагилар кетиб қолмаслиги учун тинмай бақирарди. Тезда оёқлари тиззасигача тупроққа, бўғзи эса кўзга кўринмас чангга тўлди. У энди ўзига бундай катта ва чуқур қабр ковлаган гўрковларнинг гўрига ғишт қалай бошлади. Бир пайтнинг ўзида ўз гўридан чиқиш ва бошқаларга қабр тайёрлаш унга оғирлик қилди. Тирноқлари битта-битта синиб, қон тирқирай бошлади. Оғзига кирган чанглар лойга айланди. Қайси гуноҳим учун, ё худо, деган савол бошида айланарди, қайси гуноҳим учун...

* * *

Беванинг ҳикояси: - Офтоб тоғлар ортидан кўтарила бошлаганда йиғини тўхтатиб, яна бир маротаба тиловат қилиш учун қабр атрофида чўнқайдик. Юзимизга фотиҳа тортиб, кета бошладик. Кенжам қабр атрофини тартибга соламан, мозорбобо дарвозаси олдида қолдирилган машинамизда кутиб тура қолинглар деди.

Бироздан сўнг ранги ўчган бир аҳволда ёнимизга келди. "Худди дадамларнинг товушини эшитдек бўлдим" - деди. Биз кетаримизни ҳам, қоларимизни ҳам билмай қолдик. Катта ўғлим базўр ўт олдирган машинани ўчирди. Яна орқага, қабр бошига жўнадик. Кечаси билан янги қор ёғиб чиққанлигидан ҳаммаёқ оппоқ қор эди.

Қабр бошига боргач, ерга қапишиб қулоқ тутамиз, бирор товуш чиқмайди. Аста ўрнимиздан туриб, сенга шунақа туюлган болажоним, юр кетдик, дедим. "Мана шу қулоқларим билан эшитдим, ахир" деб кенжамиз йиғлаб юборди. Биз машинага қараб жўнадик.

Кенжамиз эса ҳамон чўкка тушганича қабр тупроқларига: "Дадажон, жавоб беринг, дадажон!" деб бақираверди. Бу бола жинни бўлиб қолади, бор алдабсулдаб олиб кел, деб каттамга тайинладим.

Аммо кенжамиз кетмаймиз, ҳозир гўрларини очамиз деб туриб олди. "Жинни бўлма ука, эшитган нима дейди" деб акаси уни қўлларидан тортди. Кенжамиз унамади ва биз кетмон-петмон излаб қоровулхонага бордик. Ҳали қоровул келмаганидан, эшигида шапалоқдек қулф осиғлиқ эди. Кенжамиз бир тепиб эшикни очиб юборди. Ичкаридан икки кетмонни олиб қабр бошига боришди. Кенжамиз гўрни буза бошлади. Катта ўғлим нима қилишни билмай серрайиб қолди.

Шу пайт қоровул ҳам етиб келиб, биз билан сўрашди ва тинчликми деб сўради. Кейин, кенжамизга: "Ота-бобонг қилмаган ишни қилаяпсан. Жонозаси ўқилган-а,, жоноза урмасин тағин" деб қўлидан кетмонни тортиб олди. Бу таъна-дашномлар таъсир қилдими, у бошини эгиб қолди. Биз қайтадан гўрни яхшилаб тиклаб, уйга қайтишга чоғландик.

Аммо, энди умид кўнглимизга тинчлик бермаётган эди. Шунинг учун тўғри туман марказида яшайдиган бир фолбиндуохонникига етиб бордик.

Фолбин эрим исдан заҳарланиб ўлганлигини, қабридан овоз эшитганимиз ва у қайта тирилиб, ҳозир қабрдан чиқишга ҳаракат қилаётганлигини баён қилди!

(Давоми бор)

ЖЎРАЛАР

(Байрам ҳазили)

Шоҳи кўйлак
олиб берма
Сен аёлга
"жоним" дегил.
О.ҲОЖИЕВА

Бугун бизга имтиҳон,
Бўлинг огоҳ, жўралар!
Қийналса-да жиндай жон,
Қилманг оҳ-воҳ, жўралар!

Байрам байрамдек бўлсин,
Хонимлар кўнгли тўлсин.
Туринг тезроқ уйқудан,
Бўлди чошгоҳ, жўралар!

Эзилса ҳам елкамиз,
Бир кунга "уй бека"миз.
Сигир соғиш, пол ювиш,
Эмас гуноҳ, жўралар!

"Эрларнинг сариштаси —
Уйларнинг фариштаси"...
Аёлларнинг алёри
Дилга ҳамроҳ, жўралар!

Салгина жилмайсангиз,
Кетмайди асакангиз.
Уйда ҳам хандон бўлинг,
Кулинг гоҳ-гоҳ, жўралар!

Бошқачароқ феълингиз,
Оғридими белингиз?!
Чиданг яна озгина,
Ташламанг шоҳ, жўралар!

"Айтинг, жоним, билайин,
Нима совға қилайин!"...
Шу сўзлар тилингиздан
Топсин паноҳ, жўралар!

Баланд қилинг оловни,
Дамланг тезроқ паловни!
Бугун ҳар бир хонадон
Бир сайилгоҳ, жўралар!

Бўлаверманг бетоқат,
Бекалик бир кун фақат.
Эртага "эски ҳаммом,
Эски тос"... оҳ, жўралар!

Бир қўлда капкир билан,
Шеър битди бугун Тўлан.
Бўлгай мана "Ҳуррият"
Бунга гувоҳ, жўралар!

Тўлан ТАБАССУМ

1-бетга БИР ЖАВОБ

Расмий-норасмий ошхона, расмий-норасмий дорихона ва расмий-норасмий бильярдхона

Игорь МАРТЬЯНОВ

ШИКОЯТ

— Бу Петуховлар квартирасими?

— Худди шундай! Киринг, марҳамат. Сиз квартира масаласи бўйичами?

— Ҳа, кўриб кетишга келдим...

— Ичкари киринг, киравеpинг, тортинмасдан. Квартирамиз жуда яхши, шинам. Иккита хонаси қуёшга қараган, барча қулайликларга эга: ванна, ошхона, айвон, ётоқхона, меҳмонхона ва ҳоказо.

— Билишимча, қишда батареяларингиз яхши ишламасмиш.

— Аксинча, шундай исиб кетадики, ҳатто деразани очиб қўямиз.

— Қизиқ... Қувурларингизда ҳеч нима тиқилиб қолмайдими?

Газ ҳам доим бўладими?

— Нима деяпсиз? Ҳеч қачон бунақа воқеа бўлганини эслолмайман, имоним комил.

— А, қўшнилар-чи? Қўшнилар безовта қилмайдими?

— Қўшниларим худди "авлиё" дейсиз. Бирам юввош, "тиқ" этган овоз эшитмайсиз.

— Демак, ҳеч қандай камчиликдан шикоятингиз йўқ. Ҳаммаси жойида, шундайми?

— Нима деяпсиз, қанақа шикоят бўлиши мумкин?! Ахир бу квартира эмас, жаннат-ку! Ҳатто кетгинг келмайди, лекин, наилож, керак. Ҳа, айтгандек, сизнинг алмашадиган квартирангиз қандай?

— Қанақа алмаштирадиган квартира? Ҳеч нима алмаштирмайман.

— Нега бўлмаса, квартирам билан қизиқяпсиз?

— Хизматим шуни тақозо қилади. Сиз эмасми ўтган ой "ЖЕК"ка шикоят қилган?

— Демак, сиз алмаштириш бўйича эмас экансиз-да? Нега ахир, дарров айтмадингиз?

— Ўзингиз дарров тушунгандирсиз, деб ўйлагандим. Ҳар қалай, ҳаммаси яхши, жойида экан. Энди мана бу ерга қўл қўйинг-да, марҳамат қилиб шикоятингизни қайтариб олинг.

Ҳабибулло АБДУЛМАЖИД таржимаси

РУС МАТБУОТИ ХАНДАЛАРИ

Аляска аҳолиси рус подшоси Александр II га ҳайкал ўрнатишди. Тагига эса **"Аляскани сотиб юборган халоскор шоҳга миннатдор аляскаликлардан"**, деб ёзиб қўйишди.

— Қизлар, эшитдингларми, Жириновский ҳокимиятга келса, ҳаммамизни зўрлар эмиш.

— Шунга ҳам ишониб ўтирибсизларми? Ахир бу унинг сайловолди ваъдалари, холос.

Борис Ельциндан сўрашди:

—Истеъфога чиққанингиздан кейин нима учун Исроилга бордингиз?

—Меҳнат кодекси бўйича икки ҳафта ишлаб беришга мажбур қилишди.

Жиннихонага касал олиб келишди. Ундан:

— Сиз кимсиз? — деб сўрашди.

— Мен Напалеонман, — жавоб берди бемор.

— Унда сизни 10-палатага ётқизамиз, у ерда яна бешта Напалеон бор.

— Йўқ-йўқ, кечирасиз, мен император эмасман, тортман.

1999 йил 31 декабрь — Б.Н.Ельцин истеъфога чиқди. В.В.Путин президент вазифасини бажарувчи этиб тайинланди.

2000 йил 26 март — В.В.Путин Россия президенти этиб сайланди.

2000 йил апрель — Президент В.Путин Б.Ельцинни бош вазир этиб тайинлади.

2000 йил май — В.Путин соғлиги ёмонлашгани сабабли истеъфога чиқди. Б.Ельцин президент вазифасини бажарувчи этиб тайинланди.

2000 йил август — Б.Ельцин Россия президенти этиб сайланди.

2000 йил сентябрь — В.Путин Россия бош вазири этиб тайинланди.

— Ҳурматли москваликлар ва шаҳримиз меҳмонлари. Шаҳримизнинг диққатга сазовор жойлари бўйлаб саёҳатимизни бошлаймиз. Йўналишимиз қуйидагича: "Кремль", "Русь", "Горьки-9", "Марказий клиник касалхона".

Эр-хотин паркда айланиб юришибди. Ногаҳон уларнинг кўзи винони шишаси билан кўтариб ичаётган, яхши кийинган эркакка тушади. Хотин:

— Қара, биринчи эрим. Уни ташлаб кетганимга беш йил бўлганига қарамай, ҳамон ичишни ташламабди.

— Алдаяпсан! Ҳеч ким бунчалик узоқ байрам қилмайди.

— Карлсонга маза-да, ёзда терламайди.

Рубль ва доллар бардан чиқиб келмоқда. Рубль туртиниб кетади:

— Сал қолди йиқилиб тушишимга.

— Кел, ёрдамлашвораман, — деди доллар.

— Сени биламан. Уйимга олиб боргунингча 10 сўм қарздор қилиб қўясан.

"Қизил тугмали қора жомадон йўқолди. Келтириб берганга мукофот бор. Москва, Кремль, Борис сўралсин."

Мактабда:

— Болалар, олтин калитчаси бор, узун бурнини ҳар ёққа тиқаверадиган одамнинг исмини айтинглар-чи. Бош ҳарфи "Б".

— Борис.

— Йўқ, Ельцинни айтаётганим йўқ.

— Березовский.

Чукча учрашувга келди. Қўлида термометр.

—40 даража совуқ тушгунча кутаман, келмаса, уйга кетаман.

МИШ-МИШ "Чархпалак"даги Марям лўлиларнинг миллий қаҳрамонига айланганмиш.

ЮЛДУЗЛАР БАШОРАТИ

8-14 МАРТ	Ч	П	Ж	Ш	Я	Д	С
ҚЎЙ (21.03-21.04)	☺	💣	♥	♥	✌	☹	☺
СИГИР (22.04-20.05)	☺	☯	☎	☺	✌	💣	🚑
ЭГИЗАКЛАР (21.05-21.06)	☎	💰	☺	♥	✌	☎	☺
ҚИСҚИЧБАҚА (22.06-22.07)	☯	☹	☯	☎	☺	🚑	☹
АРСЛОН (23.07-22.08)	💰	☺	♥	🚑	🛍	💰	☺
БОШОҚ (23.08-22.09)	☺	☺	💰	♥	☺	💰	☺
ТАРОЗИ (23.09-22.10)	♥	☺	🚑	?	💣	☯	☹
ЧАЁН (23.10-22.11)	☺	☺	♥	♥	☺	💣	☯
ЁЙ (22.11-21.12)	🚑	☺	☎	☯	✌	💰	☺
ТОҒ ЭЧКИСИ (22.12-19.01)	☯	♥	☹	🚑	☎	🚑	☯
ҚОВҒА (20.01-18.02)	☎	☹	♥	🚑	✌	☺	☯
БАЛИҚ (19.02-20.03)	🚑	☹	☹	♥	✌	☹	?

☺ - қулай кун
☹ - ноқулай кун
✌ - спорт билан шуғулланиш учун қулай кун
? - алданиб қолишдан эҳтиёт бўлинг
💰 - молиявий битимлар учун қулай кун
💣 - баҳсли ҳолат эҳтимоллиги
♥ - севги-муҳаббат тўла ишқий учрашувлар
🚑 - соғлиғингизга жиддий эътибор беринг
🛍 - совғалар ва харидлар учун қулай кун
☎ - бирон-бир янгиликдан огоҳ бўласиз
☯ - тадбиркорлик ишларида музокараларга бой омадли кун
➾ - ижодий фаоллик ортадиган кун

БОШҚОТИРМА

Тел: 133-69-45 Тузувчи: Нилуфар МИРҲОЖИЕВА

KROSSMARAFON 2000

КУПОН № 10

Азиз муштарийлар! Бугунги бошқотирмамизни ечиш усули бироз бошқача. Қуйида топшириқ ва унда яширилган сўзда иштирок этадиган ҳарфлар сони берилган. Ана шундан фойдаланиб, шаклда ёзилган ўша сўзни топинг. Сўзлар ҳарфларни узлуксиз синиқ чизиқлар билан бирлаштириш орқали вужудга келтирилади.

Х	И	Ч	А	Б	А	Р	Н
А	Д	А	Б	Р	О	Ч	И
С	О	Р	Е	Г	С	Т	О
Н	С	А	К	И	М	И	В
И	Т	Р	Л	А	Р	Ф	А
Н	О	И	М	С	А	Ф	А
О	Ҳ	И	Ч	О	Қ	О	Т
Ж	А	Л	Л	Е	Р	В	А

А	Й	Н	А	Д	М	О	Н
Қ	А	О	Н	Е	Е	М	А
Б	Ж	А	Б	З	Д	У	А
И	Л	А	С	А	Ж	А	Л
М	А	К	У	Н	Д	М	Л
М	Ҳ	Р	З	У	А	И	И
А	У	Б	А	К	А	Л	М
Ҳ	Б	А	Т	Л	А	С	А

БИРИНЧИ ШАКЛ: 1. Ўзбек киносининг ёрқин юлдузларидан бўлган аёл (11). 2.Лев Толстойнинг "Уруш ва тинчлик" романидаги соҳибжамол қиз образи (7). 3.Навоий даврдаги темурий маликалардан бири (11). 4.Ҳазрати Иброҳим (АС)нинг завжаси (4). 5.Халқ достонларидан биридаги қиз (6). 6.Ўзбек мумтоз шоираси Увайсийнинг асл исми (9). 7.Туркияга бош вазирлик қилган аёл (6). 8.Аёлларга хос фазилат (5). 9.Лотин Америкаси телесериали қаҳрамони (5).

ИККИНЧ ШАКЛ: 10.Овқат тури (9). 11.Шекспирнинг фожеавий асарларидан бирининг қаҳрамони (9). 12.Аёллар тақинчоғи (9). 13.Ҳамза асарларидан биридаги аёл образи (6). 14.Эрнинг онаси. (7) 15.Ўқитувчи аёл (8). 16.Исломда никоҳланаётган қизга берилиши керак бўлган эваз, ҳадя (4). 17.Газлама тури (5). 18."Севикли" маъносини берувчи қиз номи (7).

	1	2	3	4	5	6	7
1	■						
2		■					
3			■				
4				■			
5					■		
6						■	■
7							

БЎЙИГА: 1.Тоза, озода. 2.Қаттиқ металл. 3.Ноталардан бири. – Ошхона жиҳози. 4.Авлоддан-авлодга ўтувчилик белгиси. – Китоб ёки асарнинг бўлими. 5.Ҳарбий бўлинма. – Машҳур спортчи ва киноактёр. 6.Бошқариш, тутиб туриш. 7.Юпқа ёки ингичка бўлмаган.

ЭНИГА: 1.Доривор ўсимлик. 2.Қатъият. 3.Уй ҳайвони. – Мебел жиҳози. 4.Улкан балиқ. – Фойдали ҳашорат. 5.Даъват, чақириқ. – Самолёт маркаси. 6. Қуёш ботиш пайтининг халқ орасидаги номи. 7. Биологик атама.

ҒОЛИБЛАРГА "ЗУККО"ДАН ШОКОЛАД !

Ўтган сонда берилган ютуқли бошқотирмамизга кўплаб мухлисларимиздан жавоб олдик. Бизга жавоб йўллаган барча муштарийларимизга миннатдорчилик билдирган ҳолда, маълум қиламизки, ғолиблик қуйидаги газетхонларимизга насиб этди:

Шаҳноза БОЗОРОВА (Тошкент шаҳри),
Саида ЁМҒИРОВА (Қашқадарё вилояти),
Шаҳноза КАМОЛОВА (Тошкент шаҳри),
Зулфия ҚУРБОНОВА (Тошкент шаҳри),
Нигора ИСЛОМОВА (Навоий вилояти).

Уларга ҳомиймиз **"Зукко"** корхонаси томонидан мукофотлар — ширинликлардан иборат байрам совғалари топширилди. Совғаларни мазкур корхонанинг раҳбари Лазокат опа ҚАЮМОВА топширди.

Шунингдек, бошқотирмамизга фаол иштирок этган **Қосимова Нигора**, **Қаландарова Бинафша**, **Аҳмедова Нодира**, **Абдиева Адолат** ва **Абдувалиева**ларга ҳам таҳририятимиз номидан чуқур миннатдорчилик изҳор этамиз. Уларни ва барча аёлларимизни бугунги айём — **8 МАРТ** билан чин юракдан табриклаймиз.

Шу йилнинг ўрталаридан бошлаб янгиланган 5 ва 10 долларлик банкнотлар муомалага киритилар эмиш.

8 —МАРТ: ҚАҲҚАҲА

Жаҳлдор эр 8 март арафасида хотинидан сўради:

— Ҳў онаси, байрамда сенга нима совға қилишимни истар эдинг?

— Бир оғиз ширин сўз! — деди рафиқаси.

* * *

Дадасини ишга кузатаётган онасидан қизи сўради:

— Ойи, ҳадеб дадам билан жанжаллашавермай, ширин сўз бўлиб ишга кузатсангиз ҳам бўлар экан-ку?

— Эй, қизим тушмагур-эй, 8 март арафасида шундай қилиб турмасанг бўлмайди-да, - дея жавоб қайтарди онаси.

* * *

8 март арафасида магазинга кирган харидор шивирлаб сотувчидан сўрабди:

— Аксарият харидорлар шу кунларда нималардан харид қилишаяпти?

— Сизга ўхшаганлар фақат кир совун олаяпти, - дебди сотувчи.

— Ундай бўлса, беш донасини яхши қоғозга ўранг! - дебди харидор.

* * *

8 мартга бир кун қолганида эр хотинидан сўрабди:

— Онаси, келаси йил худди шу куни сенга нима совға қилишимни хоҳлар эдинг?

— Келаси йилми? Бу йилгисига қараб...

Саидмурод САИДАҲМАД

ҚИСҚА ХАТ

Таътил пайтида бир мактаб ўқувчиси дўстига хат ёзишга қарор қилди: "Азизим Боб..." - у озгина ўйланиб яна давом этди: "Мен сенга қиладиган ишим йўқлигидан хат ёзаяпман". Кейин у узоқ ўйланиб турди-да, яна давом этди: "Менимча, хат ёзишни тўхтатишим керак, чунки сенга айтадиган гапим йўқ. Сенинг Том Броуринг."

ЙЎЛДА

Кондуктор: — Кечирасиз, жаноб, сумкангизни четга олсам майлими? Чиқаётган одамларга халақит бераяпти.

Йўловчи: — Йўқ, йўқ. Қандай бўлса шундай тураверсин. Агар ҳеч ким унга қоқилмаса мен унинг бу ердалигини эсимдан чиқариб қўйишим мумкин.

МАСЛАҲАТ

Ўғил: — Дада, мен қулоқ доктори бўлайми ёки тиш доктори?

Ота: — Яхшиси, тиш доктори бўла қол, чунки ҳамманинг 32 та тиши бор, қулоқ эса 2 та.

Назокат ИСАЖОНОВА таржимаси

ЭЪЛОН

Озишни хоҳлайдиганларга юқори малакали чет эл компанияларида таҳсил олиб келган мутахассис ёрдам беради. Тел.: 76-52-00

Соғлиғингиз билан боғлиқ бўлган ҳар қандай муаммоларингиз бўлса, қуйидаги телефон орқали мурожаат қилишингиз мумкин: 76-52-00

Тошкент шаҳар Собир Раҳимов туманидаги "МДФ-Бунёдкор" шўъба корхонаси тугатилади.

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой давомида қабул қилинади.



БИР ЙЎҚ ЭКАН...